

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.B.39.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

ТОШПЎЛАТОВ ЙИГИТАЛИ ШАВКАТИЛЛАЕВИЧ

**ЗАРАФШОН ДАРЁСИ ЎРТА ОҚИМИ АЛЬГОФЛОРАСИ ВА УНИНГ
СУВ ЭКОЛОГИЯ-САНИТАРИЯ ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШДАГИ
АҲАМИЯТИ**

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Тошпўлатов Йигитали Шавкатиллаевич

Зарафшон дарёси ўрта оқими альгофлораси
ва унинг сув экология-санитария ҳолатини
баҳолашдаги аҳамияти.....3

Ташпулатов Йигитали Шавкатиллаевич

Альгофлора среднего течения реки Зарафшан
и её роль в оценки эколого-санитарного
состояния воды.....21

Tashpulatov Yigitali Shavkatillayevich

Algal flora of the Zarafshan river's middle course
and it's role in assessing ecological-sanitary state
of water.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....43

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.B.39.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

ТОШПЎЛАТОВ ЙИГИТАЛИ ШАВКАТИЛЛАЕВИЧ

**ЗАРАФШОН ДАРЁСИ ЎРТА ОҚИМИ АЛЬГОФЛОРАСИ ВА УНИНГ
СУВ ЭКОЛОГИЯ-САНИТАРИЯ ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШДАГИ
АҲАМИЯТИ**

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссиясида В2017.2.PHD/B69 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.flora_fauna.uz) ҳамда «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алимжанова Холисхон Алимжановна
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бўриев Сулаймон
биология фанлари доктори, профессор

Хасанов Ботир Ачилович
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Ботаника институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.B.39.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «29» март куни соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 32-уй. Ботаника институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 262-37-95, факс (+99871) 262-79-38, E-mail: botany@academy.uz).

Диссертация билан Ботаника институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (27-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 32-уй, Тел.: (+99871) 262-37-95.

Диссертация автореферати 2018 йил «14» март куни тарқатилди.
(2018 йил «14» мартдаги 3-рақамли реестр баённомаси)

К.Ш. Тожибаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

Б.А. Адилов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, б.ф.н.,
катта илмий ходим

Ф.О. Хасанов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда дунёда сув ресурсларини турли техноген таъсирлардан муҳофаза қилиш, табиий сув ҳавзалари барқарорлигини таъминлаш, айниқса ундаги флоранинг биологик хилма-хиллигини сақлаб қолиш катта аҳамиятга эга. Айниқса, дарёлар қуруқлик сув ҳавзалари альгофлорасининг шаклланиши ва тақсимланишида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, альгофлоранинг 46% хилма-хиллиги дарёлар улушига тўғри келади. Бу ўринда, табиий сув ҳавзаларининг альгофлорасини ҳар томонлама ўрганиш, экология-санитария ҳолатини баҳолаш ва ҳамда унинг келажақдаги ҳолатини башорат қилиш имконияларини амалиётга жорий этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Жаҳонда альгологик тадқиқотлар техноген омиллар таъсири кучли бўлган трансчегаравий дарёлардаги альгофлоралар ҳолатини аниқлаш, ҳамда дарёларнинг турли моддалар билан ифлосланиш даражасини мониторинг қилишга қаратилган. Бу ўринда катта стратегик аҳамиятга эга дарёлар ўзининг альгофлора турларига бойлиги, ундаги алоҳида аҳамиятга эга бўлган экологик компонентларининг мавжудлиги билан муҳим ҳисобланади. Марказий Осиёдаги барча йирик трансчегаравий дарёлар бир-биридан экологик хусусиятларини билан фарқланишини ҳисобга оладиган бўлсак, уларнинг ҳар бирида ўзига хос альгофлорани шаклланганлигини кўриш мумкин. Бу ўринда, Зарафшон дарёси ҳам алоҳида ўринга эга бўлиб, сўнгги йилларда дарёнинг ўрта оқими ҳудудда техноген омиллар таъсирининг кучайиши унинг замонавий альгологик таркибини аниқлаш ва шу асосда табиий Ўрта Осиё сув ҳавзалари альгофлораси шаклланишидаги аҳамиятини баҳолашнинг муҳимлигини белгилаб бермоқда. Шунга кўра, Зарафшон дарёси альгофлорасининг замонавий ҳолатини баҳолаш, дарё альгофлорасини таксономик таркибини шаклланишида экологик омилларнинг ролини илмий асослаш, сувнинг экология-санитария ҳолатини аниқлашда индикатор-сапроб турларни аҳамиятини очиқ бериш, альгофлорани маълумотлар базасини тузиш ва амалиётга жорий этиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда табиий сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш учун сув ҳавзалари альгофлорасининг турлар таркиби ва уларнинг тарқалишини аниқлаш, ҳамда сувни тозаллигини белгилашдаги ўрнини асослашга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ “... атроф-муҳит ҳолатига зарар етказадиган муаммоларни олдини олиш, ирригация тармоқлари объектларини ривожлантириш” вазифаси белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда Зарафшон дарёси ўрта оқими альгофлорасининг таксономик таркиби ва индикатор-сапроб турларни аниқлаш, дарё сувининг санитар-эпидемиологик ҳолатини мониторинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

қилишда улардан фойдаланиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрдаги 409-сон “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартдаги 82-сон “Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дарёлар альгофлораси, таксономияси, унинг шаклланишига экологик омилларининг таъсири ҳамда сувнинг экология-санитария ҳолатини баҳолашда сувўтларнинг роли ҳақидаги маълумотлар хорижлик олимлардан D.D. Olding et al (2000), B. Zarei Darki (2004), N. Abdel-Raouf, A.A. Al-Homaidan, I.B.M. Ibraheem (2012), J. Komarek, J. Kostovsky, J. Mares, J. Johansen (2014), МДХ олимларидан С. Комулайнен, Т. Чекрыжева, И. Вислянская (2006), Г. Кузяхметова, Р. Булякова (2008), С. Мазина (2008), А. Полева (2008), И. Стерлягова, Е. Патова (2008), Л. Коржова (2013), И. Стерлягова, Е. Патова (2017) ва бошқаларнинг ишларида ёритилган.

Зарафшон ҳавзаси альгофлорасига бағишланган тадқиқотларни асосан И.Киселев, Е.И. Киселева, В.И. Полянский, А.М. Музафаров, Р.Ш. Шоёкубовларнинг ишларида кўриш мумкин. Зарафшон дарёси юқори оқимидаги сув ҳавзалар альгофлораси А.М. Музафаров, К.Ю. Мусаевларнинг (1969) тадқиқотларида акс этган бўлиб, бироқ бу тадқиқотлар Зарафшон дарёси ўрта оқими альгофлорасини тур таркибини замонавий ҳолатини очиқ бера олмайди. Ўзбекистон дарёлари орасида ўзига хос альгофлора таркиби, унинг шаклланиши ва экологик хусусиятларига эга бўлган ҳамда республика альгофлораси учун илгари номаълум турларни ўзида сақлаган Зарафшон дарёси ўрта оқими альгофлораси бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмаган. Бу ўринда Зарафшон дарёси ўрта оқими альгофлорасининг ҳозирги ҳолатини очиқ бериш, альгофлорани шаклланиши, дарёнинг оқим бўйлаб ва мавсумий ўзгаришлари, экологик гуруҳларнинг ривожланишида экологик омиллар ролини ўрганиш ҳамда сувнинг экология-санитария ҳолатини баҳолашда индикатор-сапроб турларнинг аҳамиятини очиқ бериш муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация

тадқиқоти Ботаника институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-А9-Т005 «Маҳаллий ва ўзга ҳудудлар флорасида учрайдиган истиқболли сувўтлари, реликт, камёб ва йўқолиш арафасида турган юксак сув ва сув-ботқоқ ўсимликлари турларини коллекциясини яратиш мақсадида уларни излаш ва танлаш» (2009-2011) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Зарафшон дарё ўрта оқими альгофлораси турлар таркибини аниқлаш ва сувининг экология-санитария ҳолатини баҳолашда индикатор-сапроб турларнинг аҳамиятини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифаси:

Зарафшон дарёси ўрта оқими альгофлорасининг турлар таркибини аниқлаш ва уларни таксономик таҳлилини амалга ошириш;

дарё альгофлораси турлар таркибининг оқим бўйлаб тарқалишини ўрганиш;

дарё ўрта оқими альгофлорасини дарёнинг юқори оқими ҳамда Марказий Осиёнинг бошқа сув ҳавзаларида олиб борилган илмий тадқиқотлар манбалари билан қиёсий таҳлил этиш;

дарё альгофлорасининг экологик ва мавсумий ўзгаришидаги хусусиятларини ўрганиш;

дарё альгофлорасининг оқим бўйлаб тарқалишига экологик омилларнинг ролини ўрганиш;

дарё альгофлораси таркибидаги индикатор сапроб турларнинг сапроблик индексини (S_i) ҳисоблаш билан дарёнинг сапробиологик зонаси ҳамда сувнинг сифатини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти Зарафшон дарёси ўрта оқимининг альгофлораси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Зарафшон дарёси ўрта оқими альгофлорасининг таксономияси, флористикаси, экологияси ҳамда дарё сувини экологик-санитария ҳолатини баҳолаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда альгологик, гидробиологик ва статистик методлар, лаборатория таҳлиллари қўлланилган.

Ишнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Зарафшон дарёси ўрта оқимида 331 тур ва тур хиллари (219 тур, 85 вариация, 27 форма) аниқланган ва рўйхати тузилган;

илк бор Зарафшон дарёси ўрта оқимининг альгофлораси таркибида Ўзбекистон альгофлораси учун илгари номаълум бўлган 13 тур ва тур хиллари мавжудлиги аниқланган;

альгофлоранинг мавсумий ва дарё оқими бўйлаб ўзгариши аниқланган;

экоальгоценозларнинг дарё оқими ва йил фаслларидаги экологик омиллар таъсирида шаклланиши очиб берилган;

дарё альгофлораси ва унинг таркибидаги индикатор-сапроб турлар билан ўзаро боғлиқлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

альгофлора таркибидан аниқланган 97 тур индикатор-сапроб сувўтлар:

20 та χ -сапроб, 18 тур δ -сапроб, 51 тур β -мезосапроб, 5 тур α -мезосапроб, 3 тур ρ -сапроб турларнинг рўйхати тузилган ва улар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш фаолиятида сув ҳавзалари сувининг экология-санитария ҳолатини мониторинг қилишга жорий этилган;

Зарафшон дарёси ўрта оқимидан йиғилган сувўтлар намуналари Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ботаника институти сувўтлар коллекцияси фондини бойитиш имконини берган ва маълумотлар базасига киритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий усулларнинг қўлланилганлиги, олинган натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, олинган маълумотларнинг давлат табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари фаолиятига киритилганлиги, йиғилган сувўтлар намуналарини «Сув ҳавзалари сувўтлар флораси» коллекцияси фондида сақланаётганлиги, тадқиқот натижаларининг тегишли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илк бор Зарафшон дарёси ўрта оқими альгофлорасининг турлар таркиби аниқланиб, тўлиқ инвентаризация қилинганлиги, Ўзбекистон сув ҳавзалари альгофлораси учун янги турларни қайд этилганлиги, дарё альгофлорасининг мавсумий ва оқим бўйлаб шаклланишида экологик омилларнинг ролини асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижаларни табиатни муҳофаза қилиш фаолиятида сувнинг органик моддалар билан ифлосланишини кўрсатувчи индикатор-сапроб турлардан сувнинг сифатини аниқлаш ва сувнинг мавсумий ҳамда оқим бўйлаб ифлосланиш даражасини баҳолашга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Зарафшон дарёси ўрта оқими альгофлорасини тадқиқ қилиш доирасида олинган натижалар асосида:

Зарафшон дарёси ўрта оқими альгофлорасидаги индикатор-сапроб турларнинг рўйхати, унинг сувни ифлосланишини белгиловчи сифат ва миқдорий хусусиятлари республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизимида, жумладан Самарқанд вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2018 йил 15 январдаги 03-03/2-314-сон маълумотномаси). Натижалар Зарафшон дарёси ўрта оқимидаги индикатор-сапроб сувўтлари асосида дарё сувининг мавсумий ва оқим бўйлаб органик ифлосланиш даражаларини аниқлаш ва очиқ сув ҳавзалари тозалигини белгилаш имконини берган;

331 тур ва тур хилларидан иборат сувўтлар рўйхати ва индикатор-сапроблик бўйича сувнинг ифлосланиш даражалари кўрсаткичлари ФА-Ф5-Т-230 рақамли «Сув ва қуруқлик экосистемаларида паразитар тизими таркибий қисмларининг шаклланиши ва ҳаракатланиш қонуниятлари»

лойиҳасида сув микроорганизмларни аниқлаш ва паразитларни дарё гидробионтлари таркибида тарқалишини асослашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 26 январдаги 4/1255-210-сон маълумотномаси). Натижалар сув ҳавзаларида гидробионтлари билан бир қаторда учрайдиган паразит организмлар рўйхатини тузиш, уларнинг экологик хусусиятлари ҳамда сув ҳавзаларининг органик моддалар билан ифлосланиш даражаси аниқлаш имконини берган;

Зарафшон дарёси ўрта оқимидан йиғилган альгологик намуналари ҳамда уларнинг доимий препаратлари Ботаника институтининг «Сув ҳавзалари сувўтлар флораси» ноёб объекти коллекциясига топширилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 26 январдаги 4/1255-210-сон маълумотномаси). Натижалар коллекциянинг «Ўзбекистон дарёлари сувўтлар флораси» фондини бойитган ва сув ҳавзаларини сувўтлар флорасини инвентаризациялаш, сувўтларининг ягона маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда иқтисодиёт тармоқларида фойдаланишда муҳим бўлган турларнинг тоза культураларини ажратиб олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та илмий иш нашр этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 107 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Марказий Осиё сув ҳавзалари альгофлорасининг ҳолати**» деб номланган биринчи бобида илгари ҳудудда олиб борилган тадқиқотларнинг таҳлили, бобнинг биринчи ва иккинчи бўлимларида Зарафшон дарёси ҳавзасида ҳамда Марказий Осиё сув ҳавзаларида олиб борилган альгологик тадқиқотлар таҳлиллари келтириб ўтилган. Мавжуд маълумотлар дарё альгофлорасини тўлиқ ёритмайди (Киселев; 1930,

Киселева, 1931, 1939; Полянский, 1950; Музафаров, Мусаев, 1961; Эргашев, 1965; Шоякубов, 1980). Дарёнинг юқори оқимидаги сув хавзалари альгофлораси А.М. Музафаров, К.Ю. Мусаевлар (1969) томонидан асосан флористик нуктаи назардан ўрганилган.

Диссертациянинг **“Зарафшон дарёси ўрта оқими худуди табиий-географик хусусиятлари»** номли иккинчи бобида худуднинг географик ўрни, иқлими, ерусти ва ерости сувлари тўғрисида маълумотлар баён этилган.


Диссертациянинг **«Тадқиқотнинг объекти, материаллари ва тадқиқот услублари»** учинчи бобида тадқиқотнинг объекти, материаллари ва ўрганиш услублари ҳақида маълумотлар келтирилган. Тадқиқотлар ва илмий экспедициялар (2005-2016 йй.) давомида 280 дан ортиқ альгологик намуналар (150 фитопланктон, 70 фитобентос, 60 перифитон) йиғилди (1-расм).

Материалларни йиғиш ва уларнинг лаборатория таҳлиллари умумқабул қилинган альгологик (Жузье ва бошқ., 1949; Голлербах, Полянский, 1951) ва гидробиологик тадқиқот услубларида олиб борилди. Таксономик бирликлар алоҳида бўлимлар бўйича аниқлагичлар (Голлербах, Полянский, 1951; Мошкова, Голлербах, 1986; Музафаров, Эргашев, Халилов, 1988; Халилов ва бошқ. 2009) асосида аниқланган. Сувўтлар таксономиясига киритилган ўзгаришлардан (Вассер ва бошқ., (1989), D.D. Olding et al (2000), B. Zarei Darki (2004)) мазкур ишда фойдаланилди. Диатом турларнинг доимий препаратлари В.С. Шещукова (1949) методида тайёрланган. Қиёсий таҳлиллар Jaccard (Шмидт, 1974), сувўтларнинг сапроблиги хусусиятлари R. Kolkwitz, M. Marsson (1908, 1909), Г.И. Долгов, Я.Я. Никитинский (1927), V. Sladecsek (1961, 1973), R. Pantle et N. Bukk (1955) формулалари бўйича ҳамда Жукинский ва бошқ. (1981) услубида аниқланди. Дарё сувининг гидрохимёвий таркиби ЎзГМИТИнинг кўп йиллик (2005-2016 йй.) маълумотлари асосида таҳлил этилди.

Диссертациянинг **“Зарафшон дарёси ўрта оқими альгофлорасининг флористик ва таксономик таҳлили”** деб номланган тўртинчи бобида Зарафшон дарёси ўрта оқими альгофлорасининг таркиби ва таксономик таҳлили, етакчи таксонларининг таҳлили, таксономик спектри, сувўтларнинг тарқалиш хусусиятлари ҳамда қиёсий таҳлиллар баён этилган.

Биринчи бўлимда Зарафшон дарёси ўрта оқими альгофлорасида таксономик таркиби ва таҳлили келтирилган. Аниқланган 331 тур ва тур хиллари (219 тур, 85 вариация, 27 форма) 81 туркум, 38 оила, 16 тартиб, 11 синф ва 5 бўлимга мансуб (1-жадвал). Сувўтлар бўлимлари орасида Bacillariophyta 218 (126 тур, 81 вариация, 11 форма) тури билан етакчилик қилиб, жами альгофлорани 65,86 % ни ташкил этди. Кейинги ўринларни Cyanophyta (64 тур, 19,34 %), Chlorophyta (37 тур, 11,18 %) Euglenophyta (10 тур; 3,02%) Pyrrophyta (2 тур; 0,60%) бўлимлари эгаллади. Альгофлорадаги етакчи синфлар Pennatophyceae, Chroococcophyceae, Hormogoniophyceae, Chlorococcophyceae, Conjugatophyceae лар ҳисобланиб, улар ўзида 300

(90,63%) турни бирлаштирди. Етакчи тартиблар: Rhaphinales, Chroococcales, Araphinales, Nostocales, Chlorococcales, Oscillatoriales ва Disciodales лар бўлиб, жами альгофлорани 298 турига (90,03%) эгалик қилди.



1-расм. Зарафшон дарёси ўрта оқимининг харита-схемаси:

Δ – кузатув нуқталари. **Доимий КНлар:** 1-КН-1 – Май тўғони; 2-КН – Зарафшон давлат кўриқхонаси; 3-КН – Чўпонота), 4-КН–Оқдарёнинг бошланиши, 5-КН–Қорадарёнинг бошланиши, 6-КН – Оқдарё, Дахбед кўприги; 7-КН – Қорадарё, Пайарик кўприги, 8-КН – Қорадарё, Хатирчи; 9-КН – Оқдарё; 10-КН – Зарафшон, Янгибозор. **Вактинчалик КНлар:** 11-КН – Омонкўтонсой ва 12-КН – Еттуйлисой.

Альгофлорада етакчи оилалар сони 15 бўлиб, улар 279 турни (84,28%) бирлаштирди. Етакчи туркумлар 23 та, улар 240 тур ўз ичига олиб, жами альгофлорани 72,50 % га эгаллик қилди.


1-жадвал

Зарафшон дарёси ўрта оқими альгофлорасининг таксономик таркиби

Сувўтлар бўлимлари	Синф	Тартиб	Оила	Туркум	Жами	Шундан			%
						тур	вар.	фор.	
Cyanophyta	3	6	16	24	64	48	—	16	19,34
Bacillariophyta	2	3	9	35	218	126	81	11	65,86
Pyrrophyta	1	1	1	2	2	2	—	—	0,60
Euglenophyta	1	1	1	3	10	10	—	—	3,02
Chlorophyta	4	5	11	17	37	33	4	—	11,18
Жами: 5	11	16	38	81	331	219	85	27	100

Альгофлоранинг таксономик спектр куйидагича намоён бўлди: турнинг туркумга нисбати Bacillariophyta бўлимида – 6,23; Euglenophyta – 3,33; Cyanophyta – 2,66; Chlorophyta – 2,17; Pyrrophyta – 1. Туркумларнинг оилаларга нисбати: Bacillariophyta бўлимида – 24,22; Euglenophyta – 3,33; Cyanophyta – 4; Chlorophyta – 3,36; Pyrrophyta – 2; умумий турларнинг туркумларга нисбати – 4,08; турларнинг оилаларга нисбати – 8,71 га тенг бўлиши аниқланди.

Иккинчи бўлимда Зарафшон дарёси ўрта оқимининг қисмлари бўйича флористик таҳлили келтирилган бўлиб, унга кўра дастлабки нуқталарда 119 (75 тур, 40 форма, 4 вариация), ўртада 200 (133 тур, 17 форма, 50 вариация), куйида Омонқўтонсойда 65 (48 тур, 3 форма, 14 вариация), Етгуйлисойда 55 тур (37 тур, 7 форма, 11 вариация) ва тур хиллари аниқланди (2-расм). Дарёнинг дастлабки нуқталардан ўрта нуқталар томон турлар сонининг ортиб бориши атрофдан дарёга қуйиладиган катта кичик сув манбалари, ҳамда сувнинг ҳарорати, минераллар миқдорининг ортиши ҳисобга бўлса, қуйи нуқталар томон турлар сонининг камайиши сув тиниқлигининг пасайиши, дарё сувининг органик ва минераллар таркибининг ортиши билан изоҳланади. Зарафшон дарёси юқори оқими сув ҳавзаларида 415 тур ва тур хиллари аниқланган бўлиб (Музафаров, Мусаев, 1969), уларнинг 108 тури ўрта оқим билан ўхшашлиги аниқланди ва альгофлора ўхшашлик коэффиценти 0,17 (32,63%) га тенг. Дарёнинг юқори оқими учун хос бўлган *Cyanothrix*, *Stratonostoc*, *Coscinodiscus*, *Actinella*, *Coenochloris*, *Palmellocystis* каби 36 туркум ўрта оқимда аниқланмади. Юқори оқимда қайд этилмаган *Syneschocystis*, *Synechococcus*, *Stephanodiscus*, *Tabellaria*, *Chlorobion*, *Ankestrodesmus* каби 26 туркум ўрта оқимда учради. Дарёнинг ўрта оқимида ўзига хос альгофлоранинг шаклланишига урбанизациялашган ҳудудлардан дарёга келиб қуйиладиган каналлар, коллектор-зовурлар, сувомбори, саноат корхоналарининг оқова сувларидаги сувўтлар, ҳамда бу ҳудуддаги сувнинг ўзига хос экологик хусусиятлари таъсир этган.



2-расм. Альгофлорада сувўтларнинг оқим бўйлаб тақсимланиши

Қиёсий таҳлиллар, мавжуд монография ва аниқлагичларни ўрганиш натижаларига кўра, Ўзбекистон сув ҳавзалари учун 13 та янги тур ва тур хиллари аниқланди. Уларнинг 10 тури диатом (*Eucocconeis elleptica* Saveljewa-Dolgova., *Cymbella tumida* var. *borealis* Grun., *Navicula fluens* Hust., *N. fragilis* Skv., *Nitzschia lanceolata* f. *minor* V.H., *Pinnularia pectinalis* var. *rostrata* Skv., *Caloneis schumanniana* var. *lancettula* Hust., *Cymbella tumida* var. *borealis* Grun., *Surirella conifera* var. *punctata* Skv., *Campylodiscus rutilus* Skv.) ва 3 тури яшил сувўтлар (*Chlorobion lunulatum* Hindak., *Closterium pusillum* Hantzsch., *Pleurotaenium minutum* (Ralfs) Delp.) ҳисобланади. Бу сувўтлар 3 синф, 3 тартиб, 6 оила, 11 туркумга мансуб. Ушбу турларни дунё бўйича тарқалиши, шу ҳудудда учраш жойлари, GPS координаталари, учраш даражаси, қайси фаслларда аниқлангани, сувнинг минераллашувига муносабати ҳамда ҳаётини шакллари оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Зарафшон дарёси ўрта оқими альгофлорасининг экологик таҳлили” деб номланган бешинчи бобида сувўтларнинг тарқалиши ва ривожланишига ташқи муҳит омилларининг таъсири, эоальгоценозлари, уларнинг таҳлили, экологик хусусиятлари ҳамда дарё альгофлорасининг мавсумий ўзгаришлари ёритилган.

Биринчи бўлимда сувўтларнинг тарқалиши ва ривожланишига қатор экологик омилларнинг таъсири баён этилган. Дарё оқими бўйлаб сувнинг минераллашуви α-гипогалиндан β-олигогалингача ўзгариб борди. Шунга боғлиқ ҳолда, дарёнинг дастлабки нуқталарда чучуксув сувўтлари (*Microcystis harsgirgiane* (Hansg.) Elenk., *Nostoc zetterstedtii* Aresch., *Melosira granulata* var. *angustissima* (O.Mull) Hust., ўрта ва қуйи нуқталарида (*Dactylococcopsis raphidioides* Hansg, *Synedra ulna* (Nitzsch.) Erh., *Trachelomonas hispida* (Petry.) Stein. emend. Delf., *Euglena acus* Ehr.) чучук-шўртоб ва қуйи нуқталарда (*Anabaena viguieri* f. *danica* (Nygaard.) Kossinsk., *Achnanthes brevipetes* var. *parvula* (Kutz.) Cl., *Diploneis smithii* var. *pumila* (Grun.) Hust.) шўртоб сувўтлари аниқланди. Альгофлоранинг 148 тури чучук, 160 чучук-шўртоб ва 23 тури шўртоб сувўтлардан иборат. Улардан 171 (51,66 %) тури стеногалин, 160 (48,34 %) тури эвригалинлар ҳисобланади.

2-жадвал


Альгофлорадаги экологик гуруҳларнинг тақсимланиши

Сувўтлар бўлимлари	Фитопланктон	%	Фитобентос	%	Фп-фб	%	перифитон	%	Эпифит	%	Жами
Cyanophyta	12	3,63	28	8,46	24	7,25	—	—	—	—	64
Bacillariohyta	26	7,85	105	31,72	31	9,37	50	15,11	6	1,82	218
Euglenophyta	6	1,82	—	—	4	1,21	—	—	—	—	10
Pyrophyta	2	0,60	—	—	—	—	—	—	—	—	2
Chlorophyta	16	4,83	1	0,30	7	2,11	12	3,63	1	0,30	37
331 турдан жами:	62	18,73	134	40,48	66	19,94	62	18,73	7	2,11	331

Иккинчи бўлимда альгофлоранинг экоальгоценозлари таҳлил этилган (2-жадвал). Дарё суви тиниқлигини пастлиги ва оқим тезлигини юқорилиги фитопланктонларнинг ривожланишига салбий таъсир этади. Бу шароитда фитобентос сувўтлар кўпроқ учради. Кўпчилик фитопланктонлар бентосда ҳам аниқланди.

Дарёнинг дастлабки нуқталарида фитопланктонларнинг 18 тури учради. Ўрта нуқталар томон дарё суви тиниқлигининг ортиб бориши фитопланктонларнинг ривожланишини таъминлаган. Қуйи нуқталарда сув тиниқлигининг пасайиши фитопланктонларнинг ривожланишига салбий таъсир этди. Фитобентос сувўтлар дарёнинг дастлабки нуқталарида 56 та, ўрта 67 та, қуйи нуқталарида 46 тур ва тур хиллари учради. Перифитонлар дарёнинг бошланғич нуқталарида 23, ўрта 44, қуйида 25 тур сувўтлар аниқланди. Эпифит сувўтларнинг 2 тури дарёнинг дастлабки, 5 тури ўртада ва 2 тури қуйида учради. Экоальгоценозлардан фитобентос сувўтлар етакчилик қилганлиги аниқланди. Бундан ташқари аксарият диатом сувўтлар фитобентос гуруҳига мансублиги билан ҳам боғлиқ.

Учинчи бўлимда сувнинг ҳарорати, оқим тезлиги, тиниқлик ва рН каби экологик омиллар дарё альгофлорасининг мавсумий ўзгаришларига таъсири ёритилган. Баҳорда сувнинг ҳарорати оқим бўйлаб 10-14°C, тиниқлик 0,15-0,35-0,25 м, оқим тезлиги 0,75-0,55-0,25 м/сек, рН 7,0-8,5 гача ўзгариб борди. Бу пайтда сувўтларнинг 169 тур ва тур хиллари аниқланди (3-расм).



3-расм. Альгофлора таркибидаги турлар сонининг мавсумий ўзгаришига сув ҳароратининг таъсири

Уларнинг 38 тури кўкяшил, 96 диатом, 7 эвглена 28 таси яшил сувўтлар. *Dactylococcopsis scenedesmoides* Nyg., *Gloeocapsa alpine* f. *lignicola* (Rabenh.) Hollerb., *Cyclotella bodanica* Eulens., *Diatoma hiemale* (Lyngb.) Heib. лар аниқланди. Ёзда ҳарорат оқим бўйлаб 18-22-26°C, тиниқлик 0,08-0,60-0,25 м, оқим тезлиги 1,50-0,85-0,55 м/сек, pH 7,0-8,0 гача ўзгарди. Диатом, пиропит, яшил ва кўкяшил сувўтларнинг жадал ривожланиши кузатилди. Бу пайтда сувўтларнинг 210 тур ва тур хиллари аниқланди. Оқим бўйлаб турлар сони 73-124-89 тага ўзгариб борди. Уларнинг 43 тури кўкяшил, 124 диатом, 2 пиропит, 10 эвглена, 31 тури яшиллар. Ёзда *Coccolopia turkestanica* E. Kissel., *Melosira undulata* var. *normanii* Arn., *Euglena acus* Ehr., *Scenedesmus obliquus* (Turp.) Kuetz., кабилар аниқланди. Кузда ҳарорат 10-12°C; тиниқлик 0,20-0,70-0,35 м; оқим тезлиги 0,55-0,35-0,25 м/сек; pH 7,0-8,0 ни ташкил этди. Бу пайтда кўкяшил, диатом ва яшил сувўтларнинг турлари камайди; пиропит ва эвгленалар сони ўзгармади. Кузда сувўтларнинг 138 тур ва тур хиллари кузатилди (3-расм). Улар оқим бўйлаб 69-88-57 тани ташкил этди. Бу пайтда 13 та кўкяшил, 102 диатом, 2 пиропит, 10 эвглена, 11 та яшил сувўти аниқланди. *Merismopedia elegans* A.Br., *Anomoeoneis exilis* (Kutz.) Cl., *Euglena caudata* Hubner., *Cladophora glomerata* (L.) Kutz. лар учради. Қишда ҳарорат 1-5°C; тиниқлик 0,20-0,65-0,30 м; оқим тезлиги 0,55-0,35-0,25 м/сек; pH 7,0-7,5 ташкил этди. Сувўтларнинг 88 тур ва тур хиллари аниқланди. Оқим бўйлаб турлар сони 45-66-28 тага ўзгарган. Кўкяшил, диатом ва яшил сувўтларнинг совуксевар (*Microcystis aeruginosa* f. *sphaerodictyoides* Elenk., *Achnanthes brevipetes* var. *parvula* (Kutz.) Cl., *Ulotrix zonata* Web. et Mahr.) турлари учради. Эвглена ва пиропитлар аниқланмади. Сувўтларнинг дарё оқими бўйлаб турлар сонини дастлабки нукталардан ўрта нукталар томон ортиб боришига сувнинг ҳарорати, тиниқлиги ва минераллар миқдорининг ошиши, қуйи нукталар томон камайишига эса сув тиниқлигининг пасайиши, минерал ва органик моддалар миқдорининг ошиши сабаб бўлди.

Диссертациянинг **“Зарафшон дарёси ўрта оқимида индикатор сапроб турларнинг тарқалиши ва сувнинг сифатини баҳолашдаги аҳамияти”** деб номланган олтинчи бобида индикатор-сапроб турларнинг таксономик таҳлили, уларнинг йил фасллари бўйлаб тақсимланиши, сапроблик индекси, дарё оқими бўйлаб тарқалиш хусусиятлари, дарё сувининг санитария ҳолатини мавсумий ва оқим бўйлаб баҳолашда индикатор-сапроб сувўтларнинг роли келтирилган.

Биринчи бўлимда индикатор-сапроб турлар таксономик таҳлил қилинган. Унга кўра 97 та индикатор-сапроблар турлар 5 бўлим, 10 синф, 13 тартиб, 26 оила, 44 туркумга мансуб. Бу жами альгофлорани 29,30 % ни ташкил этган. Уларнинг 20 тури α -сапроб, 18 δ -сапроб, 51 β -мезосапроб, 5 α -мезосапроб ва 3 тури ρ -сапроблар (3-жадвал).

Иккинчи бўлимда индикатор-сапроб сувўтларнинг йил фасллари бўйлаб тарқалишига оид маълумотлар ўрин олган. Сапроб сувўтларнинг энг кўп (56) баҳор ойларида энг кам (29) қиш ойларида учради. Ёз (45) ва куз (50) да оралиқ қийматларни намоён этди.

3-жадвал

**Альгофлорадаги индикатор-сапроб турларнинг бўлимлар бўйича
тақсимланиши**

№	Сувўтлар бўлимлари	Индикатор-сапроб турлар сони					Умумий сони	%
		χ	δ	β	α	ρ		
1	Cyanophyta	1	2	6	1	–	10	10.31
2	Bacillariophyta	17	14	28	2	–	61	62.89
3	Pyrophyta	–	1	–	–	–	1	1,03
4	Euglenophyta	1	1	4	1	2	9	9.28
5	Chlorophyta	1	1	12	1	1	16	16.49
Жами:		20	18	51	5	3	97	100
%		20,61	18,55	52,57	5,15	3,09	100	

Баҳорда сапроблик индекси – 1,67; ёзда – 1,47; кузда – 1,52; қишда – 1,22 бўлди. Баҳорги ёғинлар таъсирида дарёга атрофдан турли органик моддалар тушишининг ортиши ва ҳароратнинг нисбатан пастлиги натижасида сапроблик индекси ошган. Ёзда дарё суви ҳароратнинг нисбатан юқори бўлиши сувўтлар сонининг ортишига олиб келди. Сувўтлар томонидан кислород ажралиб чиқишининг ортиши сувдаги органик моддаларнинг парчаланишини тезлаштиради. Бу индикатор-сапроб турлар сонининг ва учраш даражасининг камайишига сабаб бўлади.

Кузда ёғинларнинг кўпайиши ва сув ҳароратининг нисбатан пастлиги индикатор-сапроб турлар сони ва сапроблик индексининг ошишига олиб келган. Қишдаги паст ҳарорат индикатор-сапроб турларнинг ривожланишини чеклади.

4-жадвал


**Альгофлорадаги индикатор-сапроб турларнинг кузатув нуқталарида
тақсимланиши ва сапроблик индекслари**

Кузатув нуқталари	χ	δ	β -мезосапроб	α -мезосапроб	ρ	Сапроблик индекси
1	6	6	7	2	–	1,18
2	3	9	8	–	–	1,20
3	2	4	–	–	–	0,60
4	3	2	4	1	–	1,28
5	7	8	10	3	1	1,47
6	2	7	12	2	2	1,67
7	4	6	14	2	2	1,65
8	1	2	10	2	2	2,03
9	1	3	14	1	2	1,85
10	4	6	18	2	3	1,71

Учинчи бўлимда индикатор-сапроб турларнинг КНлар бўйлаб тарқалиш хусусиятлари баён қилинган. Дарёнинг дастлабки нуқталари альгофлорасининг 37 таси индикатор-сапроб турлар ҳисобланади. Улар дарёнинг дастлабки нуқталар альгофлорасини 31,09 % ташкил этди. Ўрта нуқталарида 59 та индикатор-сапроб турлар аниқланди. Улар дарё ўрта қисми альгофлорасини 29,50 % ни ташкил этган. Дарёнинг қуйи нуқталарига келиб, индикатор-сапроб турларнинг сони 46 тани ташкил этди. Улар дарёнинг шу қисми альгофлорасини 36,80 % ни эгаллаган (4-жадвал).

Дарёдаги сувўтларнинг турлар сони ва индикатор-сапроб турларнинг сони орасида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги аниқланди (4-расм).

Тўртинчи бўлимда дарё сувининг санитария ҳолатини баҳолашда индикатор-сапроб сувўтларнинг роли ёритилган. Дарёдаги КНлар бўйлаб сапроблик индекси оқим бўйлаб ортиб борди, бу ўша жойда учраган сувўтларнинг сапроблик даражаларига боғлиқ. Дастлабки қисмда ўрта қисмга кўра индикатор-сапроб турларнинг миқдори жами альгофлорага нисбатан ортиқроқ бўлсада, ўрта ва қуйи қисмларда β -, α -мезосапроб ва ρ -сапроблар сони кўпроқ бўлиши билан характерланади. Дарё ўрта оқими бўйлаб сапроб турларнинг ўртача йиллик (Σh) ортиб бориши маълум бўлди (5-жадвал).



4-расм. Альгофлорадаги турлар сонини индикатор-сапроб турлар сонига нисбатан ўзгариши

Дарёда индикатор-сапробларнинг турлари сони дастлабки нуқталарда 36; ўртада 56; қуйида 44 та бўлса, учраш даражаси мос равишда 89; 148 ва 156 га тенг бўлди. Оқим бўйлаб χ -, δ -сапроблар сони камайиб, β -, α -

мезосапроблар ортди. Ўрта нукталарда р-сапроблар пайдо бўлди. Бу сапроблик даражаси (89; 148; 156) ва сапроблик индексининг (1,27; 1,61; 1,84) ошишига олиб келди. Дарё оқими бўйлаб сапроб зоналари α - δ -сапробдан β^1 -мезосапробгача; синфи 2 дан 3 гача, разряди 2б-3а га ортди

5-жадвал

Зарафшон дарёси ўрта оқимининг экологик-санитария ҳолати

Кузатув нукталари	Учраш даражаси (Σh)	Учраш даражаси (h) ва сапроблик даражаси (s), $\Sigma(h*s)$	Сапроблик биоиндикацияси		Сувнинг сифати	
			сапроблик индекси, Si	сапроблик зонаси	синф	разряд
1-3 кн	70	89	1,27	α - δ	2	2б
4-7 кн	92	148	1,61	β^1	2	3а
8-10 кн	85	156	1,84	β^1	3	3а
Ўртача:			1,59	β^1	3	3а
Омонқўтонсой	102	179	1,75	β^1	3	3а
Еттиуйлисой	82	116	1,41	α - δ	2	2б

Изоҳ: сапроблик зонаси: α - δ - α -олигосапроб, β^1 - β^1 -мезосапроб. Сувнинг сифати: синфи бўйича: 2- тоза, 3-қониқарли тоза, 2б-тозароқ, 3а-етарлича тоза.

Бешинчи бўлимда Зарафшон дарёси ўрта оқимининг экологияси ЎЗГМИТИ нинг кўп йиллик маълумотлари асосида сувнинг таркибидаги кимёвий моддаларнинг миқдорий ҳамда рухсат этилган меъёр (РЭМ) кўрсаткичларига оид маълумотлар таҳлил қилинган. Унга кўра мис (РЭМ 1,4-2,5), нитрит ионлари (РЭМ 7,37-26,37), хром VI (РЭМ 1-3), фенол бирикмалари (РЭМ 1-3) ва бошқа зарарли моддаларнинг миқдори оқим бўйлаб ортиб бориши кўрсатилган .

ХУЛОСАЛАР

«Зарафшон дарёси ўрта оқими альгофлораси ва унинг сув экология – санитария ҳолатини баҳолашдаги аҳамияти» мавзусидаги фалсафа доктор диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Тадқиқотлар натижасида Зарафшон дарёси ўрта оқими альгофлорасида илк бор 331 тур ва тур хиллари (219 тур, 85 вариация, 27 форма) мавжудлиги, таксономик таҳлилга кўра улар 5 бўлим, 11 синф, 16 тартиб, 38 оила, 81 туркумга мансублиги аниқланди. Сувўтлар орасида Bacillariophyta (218) бўлими етакчилик қилиб, жами флоранинг 65,86 % ташкил этди. Кейинги ўринларни Cyanophyta (64, 19,34 %), Chlorophyta (37; 11,18 %), Euglenophyta (10, 3,02 %), Pyrrophyta (2, 0,60 %) бўлимлари

эгаллайди.

2. Таҳлиллар натижасида альгофлорадаги 5 та етакчи синф аниқланди, улар 300 (90,63%) турга эгалик қилиши аниқланди. Етакчи тартиблар 7 та бўлиб, жами альгофлорани 298 турга (90,03%) эгалик қилди. Етакчи оилалар 14 та (279, 84,28%), етакчи туркумлар 23 тани (240, 72,50%) ташкил этади;

альгофлорадаги турларнинг туркумларга нисбатан спектри: Bacillariophyta – 6,23; Euglenophyta – 3,33; Cyanophyta – 2,66; Chlorophyta – 2,17; Pyrrophyta – 1, турларнинг оилаларга: Bacillariophyta – 24,22; Euglenophyta – 3,33; Cyanophyta – 4; Chlorophyta – 3,36; Pyrrophyta – 2. Бу хусусиятлар Зарафшон дарёси ўрта оқимини алоҳида эътиборга молик альгологик ҳудуд эканлигидан далолат беради.

3. Қиёсий таҳлилларга кўра, илк бор Ўзбекистон альгофлораси учун 13 тур (Chlorophyta – 3, Bacillariophyta – 10) ва тур хиллари келтирилди. Бу Зарафшон дарёси ўрта оқимида ўзига хос экологик муҳитнинг шакллланганлиги билан изоҳланади.

4. Кузатув нуқталарнинг турлича тўйиниш манбалари ва экологик омиллар таъсирида дарёнинг дастлабки (1-3 КН) нуқталарида 119, ўрта нуқталарида (4-7 КН) 200 та, қуйи нуқталарида (8-10 КН) 125 тури аниқланди;

5. Сувининг ҳарорати фаслларда ўзгарувчан бўлганлиги туфайли баҳорда 169 (51,05%), ёзда 210 (63,44%), кузда 138 (41,69%), қишда 88 (26,59%) тур ва тур хиллари аниқланди. Дарё ўрта оқими бўйлаб сувнинг минераллашуви α -гипогалиндан β -олигогалингача ўзгариб туриши натижасида альгофлора таркибида чучук сув (148 тур, 44,71%) ва чучук-шўртоб сувўтлар (160 тур, 48,34%) етакчилик қилади;

альгофлора таркибида фитобентослар (40,48%) етакчилик қилади, фитопланктон (18,73%), фитопланктон-фитобентос (19,94%), перифитон (18,73%) деярли тенг сонда. Бу дарё сувнинг тиниқлик даражаси пастлиги ва оқим тезлигига боғлиқ.

6. Олиб борилган таҳлиллар натижасида альгофлора таркибидан аниқланган 97 тур индикатор-сапробларнинг 61 диатом, 16 яшил, 10 кўк-яшил, 9 эвглена ва 1 тури пирофитларга мансуб. Баҳорда индикатор-сапроб турларнинг 56 та, ёзда 45 та, кузда 50 та, қишда 29 тури аниқланди, фасллардаги сапроблик индекси мос равишда 1,67; 1,47; 1,52; 1,22 ни ташкил этади;

7. Дарё оқими бўйлаб χ -сапроб ва δ -сапроблар сони камайиб, β -, α -мезосапроб ва ρ -сапроблар сони ҳамда микдорининг ошиб бориши сув таркибида органик моддаларнинг микдори билан ўзаро боғлиқ бўлиб, сапроблик индексининг ошиши (1,27; 1,61; 1,84), сувнинг сифатини 2 синфдан 3 синфгача, разрядини 2б (тозароқ) дан 3а (етарлича тоза) гача пасайиб бориши кузатилди.

8. Альгофлора таркибидан аниқланган 20 тур χ -сапроб, 18 тур δ -сапроб, 51 тур β -мезосапроб, 5 тур α -мезосапроб ва 3 тур ρ -сапроб турлар сув ҳавзаларининг экология-санитария ҳолатини мониторинг қилиш учун тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.B.39.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БОТАНИКИ И
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

САМАРКАНДСКИЙ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ

ТАШПУЛАТОВ ЙИГИТАЛИ ШАВКАТИЛЛАЕВИЧ

**АЛЬГОФЛОРА СРЕДНЕГО ТЕЧЕНИЯ РЕКИ ЗАРАФШАН И ЕЁ РОЛЬ
В ОЦЕНКЕ ЭКОЛОГО-САНИТАРНОГО СОСТОЯНИЯ ВОДЫ**

03.00.05 – Ботаника

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.2.PhD/B69.

Диссертация выполнена в Самаркандском сельскохозяйственном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.flora-fauna.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Алимжанова Холисхон Алимжановна
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Буриев Сулаймон
доктор биологических наук, профессор

Хасанов Ботир Ачилович
доктор биологических наук, профессор

Ведущая организация:

Наманганский государственный университет

Защита диссертации состоится «29» марта 2018 года в 15⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.B.39.01 при Институте Ботаники и Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, дом 32. Актовый зал Института ботаники. Тел.: (+99871) 262-37-95, факс (+99871) 262-79-38, E-mail: botany@academy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института ботаники (зарегистрировано за № 27). Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, дом 32. Тел.: (+99871) 262-37-95.

Автореферат диссертации разослан «14» марта 2018 года.
(реестр протокола рассылки №3 от «14» марта 2018 года)

К.Ш. Тожибаев

Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.б.н., профессор

Б.А. Адилов

Ученый секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
к.б.н., старший научный
сотрудник

Ф.О. Хасанов

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
учёных степеней, д.б.н.,
профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (Phd))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день, в мире, охрана водных ресурсов от различных техногенных воздействий, обеспечение стабильности природных водоемов и сохранение биологического разнообразия их флоры имеют большое значение. Особенно, реки имеют особое значение в формировании и распределении альгофлоры наземных водоемов, которые составляют 46% разнообразия альгофлоры. В этом отношении всестороннее изучение альгофлоры природных водоемов, оценка эколого-санитарного состояния, внедрение возможностей прогнозирования дальнейшего состояния в практику являются актуальными вопросами сегодняшнего дня.

Мировые альгологические исследования направлены на определения состояния альгофлоры трансграничных рек под влиянием сильных техногенных факторов, а также мониторинга уровня степени загрязненности реки различными веществами. В этом отношении реки, имеющие огромное стратегическое значение, считаются очень важными своей богатой альгофлорой и наличием экологических компонентов. Учитывая отличия в экологических особенностях, друг от друга, всех крупных трансграничных рек Центральной Азии, то в каждой из них можно заметить формирование своеобразной альгофлоры. В этом отношении, река Зарафшан также имеет особое значение, усиление в последние годы влияния техногенных факторов в районе среднего течения которой подтверждает определение ее современного альгологического состава и на его основе важность оценки ее значения в формировании альгофлор природных среднеазиатских водоемов. В связи с этим, оценка современного состояния альгофлоры реки Зарафшан, научное обоснование роли экологических факторов в формировании состава альгофлоры реки, раскрытие значения индикаторно-сапробных видов в определении эколого-санитарного состояния воды, составление базы данных альгофлоры и внедрение их в практику имеют важное научно-практическое значение.

В настоящее время для охраны природных водных ресурсов и рационального их использования особое внимание уделялось определению видового состава альгофлоры водоемов и их распространение, а также обоснованию роли для определения чистоты воды реки. В “Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистана”¹ подчеркивается задача «... предотвращение экологических проблем, наносящих урон состоянию окружающей среды и развитие объектов сетей ирригации». Воспользование ими при осуществлении данных задач, в том числе в определении таксономического состава и индикаторно-сапробных видов альгофлоры среднего течения реки Зарафшан, в мониторинге санитарно-эпидемиологического состояния воды реки имеет одним из

¹ Указ Президента Республики Узбекистана УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года.

важное научно-практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Законом Республики Узбекистан № 409 «Об охране и использовании растительного мира» от 21 сентября 2016 года, Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан № 82 «О порядке водопользования и водопотребления в Республике Узбекистан» от 19 марта 2013 года, Указа Президента Республики Узбекистана УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7-февраля 2017 года, а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики V «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Данные по альгофлоре реки, таксономии, влиянию экологических факторов на её формирование, а также роли водорослей в оценке эколого-санитарного состояния воды освещены в работах зарубежных ученых D.D. Olding et al (2000), B. Zarei Darki (2004), N. Abdel-Raouf, A.A. Al-Homaidan, I.B.M. Ibraheem (2012), J. Komarek, J. Kostovsky, J. Mares, J. Johansen (2014), из ученых СНГ С. Комулайнен, Т. Чекрыжевой, И. Вислянкой (2006), М. Шайимкуловой (2009), Г. Кузяхметовой, Р. Буляковой (2008), С. Мазиной (2008), А. Полевой (2008), И. Стерляговой, Е. Патовой (2008), Л. Коржовой (2013) И. Стерляговой, Е. Патовой (2017) и др.

Исследования, посвященные альгофлоре водоёмов Зарафшана встречаются, в основном, в работах И.А. Киселева, Е.И. Киселевой, В.И. Полянского, А.М. Музафарова, Р.Ш. Шоякубова. Альгофлора водоемов верхнего течения реки Зарафшан отражена в работах А.М. Музафарова и К.Ю. Мусаева (1969), однако все эти исследования не могут раскрыть современное состояние видового состава альгофлоры среднего течения реки Зарафшан. Научно-исследовательские работы по альгофлоре среднего течения реки Зарафшан, содержащие ранее неизвестные для альгофлоры республики и имеющие своеобразный состав, формирование и экологические особенности среди рек Узбекистана, не проведены. В этом отношении раскрытие современного состояния альгофлоры среднего течения реки Зарафшан, изучение формирования, изменения по течениям и сезонам года, роль экологических факторов в процессе развития экологических групп, а также раскрытие значения индикаторно-сапробных видов в оценке эколого-санитарного состояния воды реки имеют важное значение.

Связь темы диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена работа. Диссертационная работа выполнена в рамках плана научно-исследовательских работ фундаментального проекта Института

ботаники ФА-А9-Т005 «Изыскание и отбор перспективных видов водорослей, реликтовых, редких и исчезающих видов высших водных и водно-болотных растений из местной и инорайонных флор с целью создания их коллекции» (2009-2011).

Целью исследования является определение видового состава альгофлоры среднего течения реки Зарафшан и обоснование значения индикаторно-сапробных видов в оценке эколого-санитарного состояния воды.

Задачи исследования:

определение видового состава альгофлоры среднего течения реки Зарафшан и осуществление таксономического их анализа;

изучение распространения видового состава альгофлоры по течению реки;

сравнительный анализ альгофлоры среднего течения реки с верхним течением, а также с результатами других научно-исследовательских работ, проведенных в других водоемах Центральной Азии.

изучение экологических и сезонных изменений особенностей альгофлоры реки;

изучение роли экологических факторов в распространении по течению альгофлоры реки;

установление сапробиологических зон реки и качества воды с вычислением индекса сапробности (S_i) индикаторно-сапробных видов в составе альгофлоры реки.

Объектом исследования является альгофлора среднего течения реки Зарафшан.

Предметом исследования является таксономия, флористика, экология альгофлоры и оценка эколого-санитарного состояния воды реки.

Методы исследования. В диссертации применены альгологические, гидробиологические и статистические методы, а также лабораторные анализы.

